СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVII СЪЕЗДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 55 (19.431). ● 1986 йил 5 март, чоршанба ● Баҳоси 3 тийин.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ — ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ, ҲАР БИР РАҲБАР ВА ҲАР БИР КОЛЛЕКТИВНИ ИШДА СИНАШ ЙИЛИДИР.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига Сиёсий докладидан).

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг бориши тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди 1986 йил 4 март куни ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида» докладни муҳокама қилиш юзасидан музокараларда КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари Н. С. Ермаков, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги номли Минск автомобиль заводининг темирчи-қолипловчиси Е. А. Шуляк, Херсон область Белозерск районидаги Киров номли колхоз раиси Д. К. Моторний, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, Томск область «Химстрой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи П. Г. Пронягин, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Прокопьев ўртоқлар сўзладилар.

Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссияси ва Секретариатининг аъзоси Володя Тейтельбойм, Сурия Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари Абдалла ал Ахмар ўртоқлар съездни табрикладилар.

Сўнгра музокараларда КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институтининг директори Б. Е. Патон, Латвия ССР Бауска район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори Н. Д. Дзенис ўртоқлар сўзладилар.

Сўнгра Кампучия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Кампучия Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Хенг Самрин, Аргентина Коммунистик партиясининг Бош секретари Атос Фава, Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети Секретариатининг Раиси Мицухиро Канэко ўртоқлар табрик нутқи сўзладилар.

## ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ПОСБОНЛИГИДА

### СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КПСС XXVII СЪЕЗДИГА ТАБРИГИ

СССР Қуролли Кучлари — халқнинг жон-тани, социалистик Ватан осойишта турмуши ва бунёдкорлик меҳнатининг ишончли қўриқчисидир. 4 март куни СССР Қуролли Кучларининг вакиллари КПСС XXVII съезди делегатларини ва меҳмонларини муборакбод қилдилар.

Жангчилар колонналари жанговар байроқлар кўтариб Кремлнинг Съездлар саройи залига шахдам кириб келадилар. Уларнинг сафида қуролли кучлар ва қўшинлар барча турларининг вакиллари — солдатлар ва матрослар, сержантлар ва старшиналар, прапоршчик ва мичманлар, офицерлар, генераллар ва адмираллар бор.

Президиумнинг ўнг ва чап томонида суворовчилар ва нахимовчилар қимир этмай соқчилик қиладилар. Уларнинг олдида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари саф тортганлар. Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан улар жанговар шон-шуҳратининг ворислари: шу куннинг қаҳрамонлари — космонавтлар, ёш интернационалист-жангчилар елкама-елка турибдилар. «Ҳамма тингласин!» — дея фанфаралар садоси таралади. Сарой гумбазлари остида жангчиларнинг табрик сўзлари тантанавор янграйди. Табрикни танк дивизиясининг командири генерал-майор **В. С. Михайлов** ўқиб эшиттирди.

Қадрли ўртоқлар, деди у, шу кунларда бутун дунёнинг диққат-эътибори Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг ишига қаратилган. Съездда айтилган ҳар бир сўзни совет кишилари, чет эллардаги миллион-миллион дўстларимиз қизғин маъқулламоқдалар. СССР Қуролли Кучларининг жангчилари съезд ишини зўр қизиқиш ва чуқур ҳаяжон билан кузатиб турибдилар. Уларнинг номидан, ушбу соатларда жанговар постда туриб, социалистик Ватан хавфсизлигини сергаклик билан қўриқлаётганлар номидан съезд делегатлари ва меҳмонлари бўлган сизларга оташин жанговар салом топширишга рухсат бергайсизлар! (**Қарсаклар**).

Партиянинг XXVII съезди совет жамияти тараққиётида сифат жиҳатдан янги босқични очиб беради. Партиянинг мамлакатни социал иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлини рўёбга чиқариш давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада юксалтиришга, совет халқининг фаровонлигини янада яхшилашни, унинг маънавий маданиятини ўстиришни таъминлашга имкон беради.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида совет жангчиларининг жанговар меҳнатига юксак баҳо берилганлиги қалбларимизда жонажон партияга астойдил миннатдорчилик, совет кишиларининг осойишта, бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилиш соҳасидаги ўзимизнинг муқаддас бурчимизни янада зўр масъулият ва фидокорлик билан бажариш муддаосини уйғотди.

Коммунистик партия билан совет халқининг доимий ғамхўрлиги туфайли Қуролли Кучлар юқори малакали кадрлар, қудратли жанговар потенциалга эгадирлар. Ишчилар, олимлар, конструкторлар ҳамда инженерларнинг ақл-заковати ва истеъдоди билан энг юқори даражадаги қурол-яроғ ва жанговар техника яратилди. Ҳозирги кунда ихтиёримизда бўлган замонавий ракеталар, танклар, самолётлар, атом сув ости кемалари ва автоматлаштирилган бошқариш системалари эришилган стратегик мувозанатни сақлаб туриш, империализм кучларининг ҳарбий устунлигига йўл қўймаслик имконини беради.

Барча совет кишилари сингари Армия ва Флот жангчилари ҳам КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрдилар. Уларнинг жанговар маҳорати ўсди. Аълочи жангчилар, юқори малакали мутахассислар кўпайди. Жангчилар коллективларининг чинакам метиндек мустаҳкамловчи кучи бўлган коммунистлар ҳар доимгидек жанговар ва сиёсий тайёргарлик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Коммунистлар юксак онглилик ва ҳарбий бурчини аъло даражада адо этиш намунаси бўлиб хизмат қилмоқдалар.

Қуролли Кучларда хизмат қилиш ҳар биримиз учун — бу катта ҳаёт мактаби, юксак маънавий-сиёсий фазилатларни, ватанпарварлик ва интернационализмни тарбиялаш мактаби, мардлик, интизомлилик ва жисмоний чиниқиш мактабидир.

Ҳозирги кунда Ватаннинг шавкатли ҳимоячилари сафида Улуғ Ватан уруши ветеранларининг фарзандлари ва набиралари бор. Улар — ота-боболари сингари партия, халқ ва Қуролли Кучларнинг қаҳрамонона анъаналарига содиқдирлар. Сўнгги йилларнинг ўзидагина ўн минглаб жангчилар жанговар орденлар ва медалларга сазовор бўлдилар.

Бугун сизлар ўзларининг интернационал ватанпарварлик бурчини бажаришда кўрсатган жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган кишиларни кўриб турибсиз. (**Давомли қарсаклар**).

Ўртоқлар!

Биз партиянинг ҳозирги вақтдаги талаблари позициясидан туриб эришилган натижаларга баҳо берар эканмиз дала, ҳаво ва денгиз кўникмасини янада қизғин, янада қатъият билан такомиллаштириш зарурлигини яхши англаймиз. Новаторлик, ижодий ташаббускорлик ва юксак масъулият руҳи жангчилар коллективлари турмушининг қонуни бўлиб қолиши керак. Командирлар, сиёсий органлар, партия ташкилотлари, Армия ва Флотнинг барча жангчилари бундан буён ҳам қисмлар ва кемаларнинг сергаклигини ва жанговар тайёргарлигини ошираверадилар, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлайверадилар.

Милитарист доиралар авж олдириб юборган тинимсиз қуролланиш пойгаси, шундай пойгани космик кенгликларига олиб чиқиш муддаоси туфайли вужудга келган мураккаб халқаро вазият ҳам биздан шуни талаб қилмоқда.

Совет жангчилари халқимиз озодлик ва мустақилликни қанчалик қийинчилик билан қўлга киритганлигини бир дақиқа ҳам эсдан чиқармай, ўзларининг империализмнинг ҳар қандай агрессив ниятларини барбод этишга тайёргарлиги қанчалик юксак даражада бўлса, социалистик Ватан хавфсизлиги шунчалик мустаҳкам бўлишини чуқур англайдилар.

Жонажон Ленин партиясига меҳр-муҳаббатимиз бениҳоя, унинг идеалларига садоқатимиз чексиз.

Қадрли ўртоқлар, шу юксак минбардан Қуролли Кучларнинг жангчилари социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардош армияларининг жангчилари билан биргаликда ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба беришга тайёрдирлар, деб партия съездини, бутун совет халқини ишонтиришга рухсат бергайсиз. (**Гулдурос қарсаклар**). Биз ҳарбий қасамёд талаб қилганидек социалистик Ватанни матонат ва маҳорат кўрсатиб, ўз қонимиз ва ўз жонимизни аямай ҳимоя қиламиз.

Яшасин севикли Ватанимиз!

Яшасин коммунизм бунёдкори — улуғ совет халқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар! сўзларини жангчилар уч марта баланд руҳ билан такрорлайдилар.

КПСС XXVII съездининг делегатлари ва меҳмонлари социализм ғалабаларининг қаҳрамон ҳимоячиларини ўринларидан туриб гулдурос қарсаклар билан олқишлайдилар.

(ТАСС).

*Партия съездига — меҳнат рапортлари!*

## ДЕЛЕГАТНИНГ ИШ ЎРНИДА

**● Ҳозир Қувасой цемент комбинатининг туйиш цехида донгдор ишчи — цемент тегирмони машинисти Аҳмаджон Ўтанов бўлмаса-да, маҳсулот ишлаб чиқариш камайгани йўқ. Унинг ўғиллари Алишер ва Аҳрор КПСС XXVII съездининг делегати учун нормани бажаряптилар.**

Катта ўғил Алишернинг цехга келганига 10 йилча бўлди. У маҳоратни отасидан ўрганди ва сўнгра унинг сменадоши бўлиб қолди. Укаси Аҳрор шу цехда созловчи слесарлик қилади. У партия съезди кунларида ота ўрнини босиш учун атайлаб машинистликни ўрганди. Ҳозир Ўтановлар тегирмонидан соатига 26 тонна цемент чиқарилмоқда.

Фарғона областининг бошқа корхоналарида ҳам партия съездининг делегатлари учун ишлаб чиқариш программаси бажарилмоқда. «Большевик» заводи токари Кенжабой Илмияминов станогини мусобақадоши Усеин Чордоқчи зиммасига олди. Марғилон ипак комбинатида делегат Озода Султонова нормасини унинг тўқув цехидаги бригадаси бажармоқда. Ҳозир бригада қўшимча 7 станокни ишлатмоқда. Тўқувчилар бир сменада типовой нормага мувофиқ битта станок учун белгиланган 20 метр ўрнига 23 метрдан шойи тўқиб чиқармоқдалар.



СУРАТДА: КПСС XXVII съездида қатнашаётган делегатлардан бир группаси. Б. Юсупов фотоси (ТАСС).

## МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

**● Андижон машинасозлик заводида Раҳматали Аҳмадалиев бригадаси квартал планидан ташқари ПГХ-0,5 юк ортувчи қурилмаларини йиғиб тайёрлашга киришди.**

Съездолди мусобақасининг ғолиби бўлмиш шу илғор бригада аъзолари йил бошидан бери дала ва ферма меҳнаткашлари учун зарур янги моделдаги 180 юк ортувчи машинани йиғиб тайёрлади. Улар корхонанинг кўпчилик коллективлари каби КПСС XXVII съезди шарафига зиммаларига олган мажбуриятларини бажардилар. Уларнинг фидокорона меҳнати бутун завод икки ойлик программани уч кун олдин бажаришига имкон берди. Натижада республиканинг қишлоқ хўжалиги қўшимча 100 минг сўмлик машина-ускуналар, шу жумладан кўплаб насослар, дизеллар, погрузчиклар ва шу машиналарга эҳтиёт қисмлар олади.

## КОММУНИСТЛАР ЎРНАК

**● Бухоро-1 станциясидан жўнаб кетган оғир вазнли поездни коммунист Муҳиддин Жўраевнинг локомотив бригадаси тежалган ёнилғи ҳисобига ҳайдамоқда.**

Бу поезд депо коммунистларининг ташаббуслари билан тузилган янги колонна ҳайдаган 60-состав бўлди. 44 локомотив бригадани бирлаштирган бу колонна КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада дастлабки мажбуриятларини бажариб бўлди — 60 поезднинг ҳаммасини нормадаги дизель ёқилғи сарфини озайтирган ҳолда ҳайдаб борди ва ишлаб топилган маблағни беш йиллик фондига ўтказди. Энг тажрибали машинистлардан бири коммунист Шарофиддин Шаропов ёш коллективга бош бўлди. Темирйўлчилар съезд ишининг ҳар кунида топшириқни ошириб бажарамиз, деган социалистик мажбурият олдилар.

(ЎзТАГ).

## М. С. ГОРБАЧЕВ КАН СЕН САН БИЛАН УЧРАШДИ

3 март куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида КМП делегациясига бошчилик қилаётган Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХДР Маъмурий кенгашининг Бош министри Кан Сен Сан билан учрашди. КМП делегациясининг бошлиғи совет халқининг социализм ва коммунизм улуғ иши тантанаси йўлидаги курашида бурилиш аҳамиятига молик анжуман сифатида КПСС XXVII съездининг аҳамиятига юксак баҳо берди.

М. С. Горбачев билан Кан Сен Сан ўртоқлар КПСС билан КМП, Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар. Марксизм-ленинизм, социалистик интернационализмнинг мустаҳкам принципларига асосланган бу муносабатлар иккала давлатнинг социал-иқтисодий тараққиётига, жаҳон социализмининг қудратини кучайтиришга кўмаклашаётганлиги таъкидланди.

М. С. Горбачев билан Кан Сен Сан СССР ва КХДРнинг хўжалик алоқалари ҳамда уларнинг Осиё ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб халқаро майдондаги баҳамжиҳат ҳаракатлари кучайганлигидан мамнуният изҳор қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Совет Иттифоқи корейс халқининг ўз ватанини ташқаридан аралашувсиз тинч демократик асосда бирлаштиришга интилаётганлигини изчиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигини қайд этиб, КХДР ҳукуматининг Корея ярим оролини тинчлик зонасига, ядросиз зонага айлантириш тўғрисидаги таклифини амалга ошириш Осиё-Тинч океан регионида хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида жуда катта қадам бўлур эди, деб таъкидлади.

Учрашув ўртоқларча самимий вазиятда ўтди.

(ТАСС).

## М. С. ГОРБАЧЕВ К. ФОМВИХАН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида ЛХРП делегациясига бошчилик қилаётган ЛХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Советининг Раиси Кейсон Фомвихан билан 3 март куни учрашди.

К. Фомвихан КПСС XXVII съезди ишига юксак баҳо берди, унинг ғоят катта халқаро аҳамиятини, марксизм-ленинизм назарияси ва практикасини ривожлантиришга қўшган муҳим ҳиссасини таъкидлади. У катта ёрдам бераётганликлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, ҳукумати ва халқига Лаос Халқ революцион партияси, ҳукумати ва халқи номидан миннатдорчилик изҳор этди, ЛХРП СССРнинг съезд маъқуллаган тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини, ядровий ва химиявий қуролни босқичма-босқич тугатиш, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш программасини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини билдирди.

М. С. Горбачев қардош Лаоснинг социалистик жамият асосларини қуриш ишидаги ютуқларини табриклади. У ЛХРП IV съездига тайёргарлик кўришда Лаос коммунистларига муваффақиятлар тилади. Совет Иттифоқи ЛХДРнинг ВСР ва КХР билан биргаликда АСЕАН мамлакатлари ўртасида амалий мулоқотни йўлга қўйишда, Жануби-Шарқий Осиёни тинчлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик районига айлантиришга қаратилган йўлни ўтказиб келаётганлигини муттасил қўллаб-қувватламоқда.

Асосий халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олиш чоғида КПСС билан ЛХРП, СССР билан ЛХДР Осиё-Тинч океан регионида ушбу проблемани ҳал этишга комплекс ёндашиш асосида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида изчил иш олиб боришга азму қарор берганликлари билдирилди.

Суҳбат дўстлик ва сидқидиллик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

## М. С. ГОРБАЧЕВ Д. БЕЛОВСКИЙ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида ЮКС делегациясига бошчилик қилаётган ЮКС Марказий Комитети Президиумининг секретари Д. Беловский билан 3 март куни учрашди.

Ўртоқларча самимий вазиятда ўтган суҳбатда Д. Беловский КПСС XXVII съезди самарали ишлаётганлигини қайд этиб, унинг қарорлари Совет Иттифоқи учун катта аҳамиятга эга бўлади, дунёдаги бутун вазиятга хайрли таъсир ўтказади, деб ишонч билдирди. Югославияда ЮКС XIII съездига тайёргарлик авж олдириб юборилганлиги муносабати билан М. С. Горбачев Югославия коммунистларига ўзларининг олий анжуманини ўтказишда, мамлакат олдида турган социалистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда муваффақиятлар тилади.

Ҳар иккала томон энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган проблема — ядро уруши хавфини бартараф этиш проблемасини ҳал қилиш мақсадида ҳозирги замоннинг барча илғор кучларини активлаштириш муҳимлигини таъкидлади. М. С. Горбачев халқаро ишларда қўшилмаслик ҳаракатининг роли ортиб бораётганлигини қайд этиб ўтди. Шу ҳаракатнинг империализмга қарши фаолияти ялпи тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Д. Беловский М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида олға сурилган совет тинчлик ташаббуслари Югославияда қўллаб-қувватланаётганлигини айтди.

СССР билан ЮСФР, КПСС билан ЮКС ўртасидаги муносабатларга оид масалаларни муҳокама қилиш чоғида биргаликда белгиланган принциплар ҳамда аҳдномалар асосида иккала партия ва мамлакат ўртасидаги дўстона ҳамкорликни чуқурлаштириш учун бундан буён ҳам барча зарур ишларни бажаришга бўлган умумий интилиш яна бир бор изҳор этилди. (ТАСС).

## М. С. ГОРБАЧЕВ Менгисту Хайле Мариам билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Социалистик Эфиопия Муваққат Ҳарбий Маъмурий Кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам билан 4 март куни учрашди. У КПСС XXVII съездида Эфиопия Ишчи партиясининг делегациясига бошчилик қилмоқда.

Менгисту Хайле Мариам КПСС XXVII съездини катта халқаро аҳамиятдаги воқеа деб таърифлади, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади, делегатларнинг нутқлари, съездга хос халқ олдида юксак масъулият руҳи, ишчанлик ва келажакка комил ишонч менда чуқур таассурот қолдирди, деди у.

Менгисту Хайле Мариам Эфиопия Ишчи партияси раҳбарлигида Эфиопия меҳнаткашларининг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун кураши ва мамлакатни социалистик ориентация йўлида олға бориши тўғрисида гапириб берди. Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари революцион Эфиопияга бераётган ҳар томонлама ёрдам ва мададлари учун КПССга ва совет халқига самимий миннатдорчилик билдирди.

М. С. Горбачев совет коммунистлари мамлакат меҳнаткаш халқининг ҳақиқий авангарди — Эфиопия Ишчи партиясининг фаолиятига катта хайрихоҳлик туйғулари билан муносабатда бўлаётганликларини айтди. Эфиопия Ишчи партияси барча қийинчиликларга қарамай комил ишонч билан янги ҳаёт қурмоқда.

Совет Иттифоқи ва Социалистик Эфиопия раҳбарлари асосий халқаро проблемалар юзасидан икки мамлакатнинг позициялари муштараклигини таъкидладилар, ядро қуролини тугатиш, уни синашларни тезроқ тақиқлаш ва космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик ҳаётий муҳимлигини таъкидладилар.

М. С. Горбачев ва Менгисту Хайле Мариам Совет — Эфиопия ҳамкорлиги самарали бўлаётганлигидан мамнунликларини изҳор этдилар, иккала мамлакат халқлари, бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт ишининг манфаатлари йўлида шу ҳамкорликни янада ривожлантиришни ёқлаб гапирдилар.

Учрашув ўртоқларча самимий вазиятда ўтди.

(ТАСС).

